

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
акциядорларининг ДИҚҚАТИГА!**

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 6 декабрь куни, соат 11:00 дан бошлаб, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган “Микрокредитбанк” АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Бошқаруви тўғрисида”ги ҳамда “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.

3. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг 2022-2023 йиллар фаолияти якуни юзасидан мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори чегарасини белгилаш, шунингдек у билан шартнома тузиш.

“Микрокредитбанк” АТБ Кузатув кенгашининг 2022 йил 7 ноябрь кунги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 30 ноябрь куни ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2022 йил 7 ноябрь куни ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 6 декабрь куни соат 10:00 дан 10:50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома конун ҳужжатларда белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилса, бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридаги манзилга ва қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

Тел: 998 (71) 202-99-99 (1316, 1317)

Банк Кузатув кенгаши